



MILLIY TIKLANISH

13 (22) 2009 йил 1 апрель, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

e-mail: milliy@sarkor.uz



Байрам хайрия акцияси

Улуғ мутафаккир бобомиз Алишер Навоий "Хар тунинг қадр улибон, хар кунинг улсун Наврӯз" дея байт битганларида бу ғузалик ва эзгулик айёми замирига яширинган ҳикмат ва теран фалсафани чуқур мушоҳада этиб, унинг миллат тақдирида боқий қолишини тилаган бўлса не ажаб.


→ 3-бет



Тошкент — эртақлар шаҳри

Пойтахтимизнинг Гафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб, "Тошкент — эртақлар шаҳри" мавзуда хоразмлик таниқли қўғирчоқсоз уста Мансур Қуръазовнинг шахсий кўрғазмаси ўтказилди.

→ 4-бет



Жаҳон озиқ-овқат саноатидаги ўзгаришлар

Жаҳонда молиявий инқироз давом этаётган бир пайтда айрим мамлакатлар товарни товар ўрнига алмашиш йўлига ўтишди. Бундай амалиёт дунё иқтисодиётида қарийб 20 йилдан буюн кузатилмаганди.

→ 7-бет

MT

BUGUNGI SONDA:

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ 2-бет

Тоғли ҳудуд

Қишлоқ тараққиёт этса

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА 3-бет

Партия ҳудудий ташкилотларида

Санъатимиз ворислари

Инсон қадри ҳамиша азиз

МАЪРИФАТ 4-бет

Асрлар оша ушалган орзулар

Юракни юрак билан даволаш керак

ЖАРАЁН 5-бет

Фидойи олим

Ахборот хизмати

МАЪНАВИЯТ 6-бет

Тасвирларда миллий руҳият

Маънавий тарбия

ХАЛҚАРО ҲАЁТ 7-бет

Коинот сирлари

Дунёдан дараклар

НИГОҲ 8-бет

Ғолиблар аниқланди

Ёш мусиқачилар танлови



Семинар-ўқув машғулотларидан лавҳа

СЕМИНАР

ЎзМТДПнинг жамият ҳаётидаги ролини кучайтириш

ўқув-семинарларда асосий мавзу бўлди

Даврон КЕСИМОВ, ЎзМТДП Қарши шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси

Бугун барча сиёсий партиялар қатори ЎзМТДП ҳам дастурий мақсад ва ғояларини кенг омма орасида тарғиб-ташвиқ қилиш, унга одамларни ишон-

тира олиш билан сиёсий жиҳатдан фаол бўлган ўз хайрихоҳ ва тарафдорларини кўпайтириш йўлидан бормоқда. Олдимизда турган энг муҳим масалалардан бири партиянинг мустақам ижтимоий қатламини шакллантириш экан, бунга миллий тикланиш ғояси ва мафқурасининг асосий йўналишлари тарғиботини кучайтириш, унинг моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш

орқали эришамиз. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида ташкил этилаётган тадбирлар ҳам ўз мазмун-моҳияти, мақсади ва кўлами билан партияимиз олдида турган устувор вазифаларни амалга оширишга қаратилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 31 март куни Оқсаройда Уммон Султонлиги миллий иқтисодиёт вазири, Молиявий ишлар ва энергетик ресурслар бўйича кенгаш раисининг ўринбосари Аҳмад бин Абдунаби Маккийни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон Уммон Султонлиги билан ривожланиб бораётган ҳамкорликни юксак қадрлашни таъкидлади. Ушбу учрашув икки томонлама муносабатларга, умуман, Ўзбекистоннинг араб дунёси билан ҳамкорлигига доир масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканини қайд этди.

Ўзбекистон билан Уммон ўртасидаги муносабатлар дўстлик ва ҳамкорлик тамойиллари асосида изчил ривожланмоқда. Икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган. Уммон араб дунёсининг нуфузли давлатларидан. Уммон билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун бошқа араб мамлакатлари билан муносабатларини мустақамлашнинг янги имкониятларини оқди. Ўз навбатида Уммон Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги етакчи давлат сифатида қаради. Мамлакатимиз билан алоқаларни кенгайтириш орқали бутун минтақа билан ҳамкорликни ривожлантириш имконияти пайдо бўлади.

Ўзбекистон ҳам, Уммон ҳам ёқилги-энергетика мажмуида улкан салоҳиятга эга, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида катта тажриба орттирган. Нефть-газ соҳасида қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қўшма тадқиқотлар олиб боришдан икки томон ҳам манфаатдор. Икки мамлакат ҳам сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасида яхши имкониятларга эга. Хусусан, Уммонда Ўзбекистоннинг тарихий обидаларини, муқаддас қадамжоларини зиёрат қилишга қизиқиш катта.

ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда Ислам маданияти пойтахти деб эълон қилингани Уммонда катта мамнуният билан қарши олинган эди. Халқларимиз кўплаб муштарак анъана ва қадриятларга эга эканлиги гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон билан Уммон ўртасида илм-фан, таълим ва маданият соҳаларидаги ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Уммон мутахассислари Ўзбекистонда ўтадиган халқаро илмий анжуманларда мунтазам иштирок этади.

Аҳмад бин Абдунаби Маккий самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Уммон Султонлиги Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорликни барча соҳаларда ривожлантиришдан манфаатдор эканини алоҳида таъкидлади.

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

ФРАКЦИЯ

Қонун лойиҳалари

фракция аъзолари томонидан маъқулланди



Сарвар ХУРРАМОВ, "Milliy tiklanish" муҳбири

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг «Темурийлар тарихи» Давлат музейида сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш-ни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Х. Дўстмуҳаммедов олиб борди.

Истиқлол йилларида Президентимиз ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида халқимизнинг бир неча минг йиллик бой ва бебаҳо тарихий, маданий ва маънавий меросини тиклаш, сақлаш, ўрганиш, тарғиб ва ташвиқ этиш ишлари давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Дарҳақиқат, бугунги кунда рўйхатга олинган 7570 та маданий мерос кўчмас объектининг 3945 таси археология мероси объектига тўғри келиши ҳам бежиз эмас. Йиғилишда уларни муҳофаза қилиш ва фойдаланишни тартибга солиш борасида амалга оширилаётган ишлар самараси "Археология мероси объектиларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида депутатлар томонидан алоҳида эътироф этилди.

(Давоми 2-бетда)

ЮКСАЛИШ

Фан-тараққиёт омили

ЎзРФА Энергетика ва автоматика институтида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича бир қатор муҳим илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда

Сайёра ҲАЙИТБОЙ қизи, "Milliy tiklanish" муҳбири

Бутун дунё жаҳон молиявий-иқтисодий кризис туфайли зарар кўраётган, бунинг оқибатида оммавий ишсизлик юз бераётган бир шароитда бугунги давр биз танлаган йўл тўғри бўлганини яна бир қарра исботлади, дейиш мумкин. Лекин шундай бўлса-да жаҳон молиявий-иқтисодий кризисининг мамлакат иқтисодиётига қутилажак таъсирини бартараф этиш мақсадида Президентимиз раҳбарлигида кризисга қарши дастур доирасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётди.

Инқирозга қарши чоралар дастурида қайта тикланувчи энергия манбалари масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Табиий ресурсларимиз захирасини асраб-авайлаш, улардан ўта тежамкорлик

билан фойдаланиш, энергетика соҳасида янгиликлар яратиш дастурининг асосий вазифалари сирасига қиради. ЎзРФА Энергетика ва автоматика институтида бу борада қилинаётган амалий ишлар, соҳа мута-

саддиларининг илмий изланиш ва тадқиқотлари билан қизиқдик. Институтида айни пайтда 10 та лаборатория фаолият олиб боради

Республика ёнилғи-энергетика комплексининг долзарб муаммоларини ечиш, замонавий энергия ва ресурс тежамкор технологиялар ишланмасини яратиш ва уларни амалиётга татбиқ қилиш, энергия тежамкорлиги муаммосини илмий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш, қайта тикланувчи энергия ресурсларидан фойдаланишни илмий ва амалий асосларини яратиш институтининг асосий фаолият йўналишларидан ҳисобланади. Шунингдек, институт зиммасига давлат иқтисодиёти тараққиётида ёнилғи-энергетика ресурсларидан юқори ва самарали фойдаланишда мувофиқлаштирилган ҳўжатлар, йўлланмалар тайёрлаш ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқиш, ўзгариб бораётган иқлим шароитларида юқори кўчанишли электр энергиясини узатишнинг самарадорлигини ошириш усулларини топиш, ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган республика энергетикасини ривожлантиришнинг илмий ва амалий асосларини яратиш ҳамда Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури доирасида юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш каби долзарб вазифалар юклатилган.

(Давоми 8-бетда)

ЖАРАЁН

Фидойи олим хизматлари мустақиллик туфайли қадр топди

АЛЛОМА

Юртбошимиз Ислом Каримов "Юсак маънавият-енгилмас куч" асарида аждодларимизнинг дунё илм-фани ва тарихида қолдирган улкан ва бой илмий-иждоий мероси ва ибратомуси фаолиятига тўхталиб: "Кейинчалик диёримизда Қори Ниёзий ва Тошмуҳаммад Саримсоқов, Ҳабиб Абдуллаев ва Саъди Сиро-жиддинов, Обид Содиқов ва Собир Юнусов, Яҳё Фуломов ва Бўрибой Аҳмедов, Ойбек ва Гафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор ва Зулфия, Саид Аҳмад ва Озод Шарафиддинов, Лутфихоним Саримсоқова, Ҳалима Носирова, Олим Ҳўжаев, Раззоқ Ҳамроев ва бошқа кўплаб номлари дунёга танилган машҳур илм-фан, адабиёт ва маданият арбобларининг етишиб чиқишига мустақкам замин бўлиб хизмат қилди", деб эъти-роф этадилар.

Маҳмуд САТТОРОВ

МУҚАДДИМА

Дарҳақиқат, юқорида ном-лари зикр этилган юртдошларимиз ўзларига тегишли бўлган соҳаларнинг чинакам билимдонлари, фидойилари эдилар. Бугун биз сўз юрит-моқчи бўлган алломаларимиз-дан бири Ҳабиб Абдуллаев қол-дирган илмий мерос нафақат ўз даври, балки келажак авлод учун ҳам азиз ва бебаҳодир. У ўзининг қисқа, лекин сермазмун умрини петрография, ме-таллогения ва уларга алоқа-дор фойдали қазилмаларни аниқлашга бағишлади. Алло-ма ана шу мавзуларда 130 га

ўқишга қабул қилинади. У ўқиш билан бирга шу институтнинг Лангар кони бўйича илмий-текшириш гуруҳи бошлиғи вази-расида ҳам иш олиб боради.

Ҳабиб Абдуллаев руда кон-ларини ҳар томонлама чуқур ўрганмай ва уларда содир бўлган барча ҳодисаларни тула таҳлил қилмай туриб, маъдан-ларнинг пайдо бўлиш йўлла-рини тўғри тушуниш ҳамда уларнинг ў ёки бу ҳудудда тар-калиш қонуниятларини тасви-рлаб бериш мумкин эмаслигини аспирантурада ўқиб юрган йил-ларидаёқ сезган эди. Шунинг учун ўзининг геологиядаги би-

Абдуллаевнинг "Ўрта Осиё ме-таллогениеси ҳақида очерк" деган яна бир асари нашр этил-ди. Бу китоб "Ўрта Осиёнинг шеелитли скарн конлари" аса-рининг давоми бўлиб, унда Ўрта Осиёда шу кунгача маъл-лум бўлган темир, вольфрам ва қалай конлари бўйича шах-сан ўзи ва бошқа тадқиқотчи-лар томондан тўпланган геоло-гик маълумотлар умумлашти-рилиб, тартибга солинди. Натихада бу конлар турли тип-ларнинг ўлка ҳудудида жой-лашиб қонуниятлари, уларнинг турли магматик жинслар ва структуралар билан алоқала-ри, ҳосил бўлишидаги асси-мляция жараёнилари, конлар устини беркитиб турган ва уларни ўз ичига олган жинс-ларнинг роллари сингари муҳ-жим масалалар қайта қараб чи-қилди ва улар юзасидан чуқур мулоҳазалар юритилди, геоло-ларга бундай руда конла-рини кидириб топиш ҳақида керакли кўрсат-ма ва маслаҳат-лар берилди.

Ҳабиб Абду-ллаев раҳбарли-ғи ва шахсан унинг иштиро-кида ўтказилган муҳим геологик текширишлар

юқори малакали кадрлар, ай-ниқса миллий кадрларни тай-ёрлашда катта аҳамиятга эга бўлди. Қисқа вақт ичиди И.Иса-муҳамедов, И.Ҳамроев, Ҳ.Боймуҳамедов, И.Мирхожи-ев, К.Бобоев, Ф.Раҳабов док-торлик, Б.Уразаев, М.Шарафи-ев, М.Ҳамидов, С.Бобоқўжаев каби миллий кадрлар номзод-лик диссертацияларини муваф-фақиятли ёқладилар.

Ҳабиб Абдуллаев металлог-ения соҳасида ўзигага тўплан-ган, аммо тарқоқ ҳолда ётган барча маълумотларни умум-лаштириб, тартибга солиб, ру-даларнинг ҳосил бўлиши бил-дан айрим геологик фактор-лар орасидаги боғланиш ма-салаларига оид қатор йирик илмий-назарий ишлар яратиш-ни орзу қилар ва бу йўлда тин-май ишладилар. Бу орзуларни амалга ошириш учун асосий калит сифатида у руда конлари билан интрузив жинслар ўрта-сидаги алоқаларга оид муҳим ва мураккаб масалани танлаб олади.

Бир типдаги конларнинг маълум тартибга эга бўлган магматик жинслар билан бо-ғлиқлиги ҳақида олиmlар ил-галар турли мулоҳазалар баён қилганлар. Уларнинг баъзилари руда конларининг пайдо бўлиши магматик жинслар бил-дан тўла боғлиқлигини қайд қилиб, бу боғланишининг асо-сий хусусиятларини яққол кўрсатган бўлса, айримлари бундай боғланишни умуман инкор этарди. Баъзилар эса руда конлари бевосита магма-тик жинслардан пайдо бўлган эмас, аммо уларнинг ҳосил бўлиш манбаи бир, деган фикр-ларни баён қилишарди. Шун-га кўра геолог олиmlар олди-да магматик жинслар билан руда конларининг ҳосил бўли-ши ўртасида алоқа борми, агар бўлса унинг асосий хусусия-тлари нимада деган масала кўндаланг турарди. Бу масала ечилса, ер остида яшириниб ётган конларни кидириб топиш йўллари илмий равишда асос-ланган бўларди. Шу билан бир-га айрим типдаги интрузив жинслар тарқалган ҳудудларда ў ёки бу турдаги конларнинг бор ёки йўқлигини кўрсатиб берувчи белгиларини ишлаб чиқиш имкони вужудга келар-ди. Хуллас, рудали конлар билан магматик жинсларнинг ўзаро алоқалари ва уларнинг хусусиятларини аниқлаш фа-қат назарий жиҳатдангина эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга эди.

Бу масала юзасидан Ҳабиб Абдуллаев раҳбарлигида Ўзбе-кистон Фанлар академияси Геология институтининг бир гуруҳ ходимлари ишлаб чиқариш ташкилотлари ходимлари билан ҳамкорликда кизгин иш бошлаб юбордилар. Кунт би-лан олиб борилган ишлар ора-дан кўп вақт ўтмай ўз самара-сини бера бошлади.

НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ БИРЛИГИ

Аллома томонидан яратил-ган қимматбаҳо асарларнинг яна бир дурдонаси "Рудалар-нинг интрузиялар билан гене-тик алоқалари" деган йирик илмий асари бўлди. Муаллиф ва таҳлил қилиш натижасида тек-тоник ҳаракатлар, магматик жинслар ва руда конлари пай-до бўлишининг ўзаро боғлиқ-лигини таъкидлаб, айрим геоло-гик даврларда ҳосил бўлган интрузиялар ва руда конлари орасида тўла генетик боғла-ниш бор, деган қатъий фикрга келди. Муаллифининг фикрича, ўз хусусиятларига қараб ай-рим вақтларгача магма тарки-бида тарқоқ ҳолда бўлган руда компонентлари магманинг аста-секин совиб, қотиши натижа-сида шароит ўзгариши туфай-ли ундан ажралиб чиқиши ва алоҳида-алоҳида руда конла-рини ҳосил қилиши мумкин. Бу жараённинг боришида магма кириб борган муҳитнинг катта аҳамияти бор. Магма ернинг юқори қатламларига кўтарила-ётиб, атрофида бўлган жинс-ларни эритиб, ўзлаштиради ҳамда улар таркибидаги фой-дали компонентлар ҳисобига бойи-ди. Натихада у ўзига хос даражада ихтисослашади. Бу эса, ўз навбатида, унинг руда конлари ҳосил қилиш имкони-ятини оширади.

Ҳабиб Абдуллаевнинг бу аса-ри геология жамоатчилиги то-монидан Москва, Ленинград, Киев, Боку, Свердловск, Тош-кент ва бошқа шаҳарларда кенг муҳокама қилинди ва унда ол-динга сурилган асосий фикр-лар маъқулланди.

Геология ва минералогия фан-лари доктори В.Гарьковец қуйи-дагиларни эслайди: "Биз Ҳабиб Муҳамедов билан Уралга бир қанча скарн конлари билан та-нишгани борган эдик. Ўша кун-лари Ҳабиб Муҳамедовнинг ю-қориди зикр этилган асари геоло-лар ўртасида муҳокама қили-наётган дамлар эди. Геолог олиmlар билан қилган қатор суҳ-батларимизда уларда бу асарга ва унда келтирилган гоёларга қизиқиш нақадар зўр эканли-гига тўла ишонч ҳосил қилдик. Уралда асар муаллифининг ру-даларнинг интрузиялар билан генетик алоқалари хусусидаги асосий фикрлари ва режалари билан таниш бўлмаган ва бу гоёлар асосида ўз материалла-рини қайта анализ қилишга ки-ришмаган геологони учратмадик. Очиғини айтсам, бу ҳол мени ҳайратга солди, чунки бундан аввал бирор асар кенг геолог-лар оmmasига бунчалик катта таъсир қилганини эслай олмай-ман. Шундагина мен бу китобни ва унда баён қилинган гоёлар кучининг нақадар зўр эканли-гини, улар республикамиз геоло-лари орасидагина эмас, балки бутун дунё геологлари орасида катта қизиқиш уйғотганига ишонч ҳосил қилдим".

Бу китоб ўз моҳияти билан геология фанида янги давр очди. Мазкур асар тўлдирилиб Москвада рус тилида қайта чоп этилди. Бу китобнинг асосий мағзини "Барча эндоген кон-ларнинг манбаи ер ичкариси-даги магма ўчоқларидир", де-ган фикр ташкил этади.

Қатор чет эл журналларида бу асар ҳақида тақризлар босилди. Олимнинг донғи оламни тугди. Унинг бу довруғи Де-Лоне, В.Н.Вебер сингари француз олиmlарининг "Ўзбекистонда ер ости бойликлари йўқ" деган даъ-восини чиқпака чикарди.

Шу тарихда олим амалий пет-рографияни ривожлантириш-га ҳам улкан ҳисса қўшди. Унинг раҳбарлиги ва иштирокида пет-рография, металлогения ва уларга алоқадор фойдали қазилмаларнинг прогноз кар-талари тузилди, рудали кон-лар истиқболлари белгиланди.

"Ўрта Осиёнинг шеелитли скарн конлари геологияси", "Ўрта Осиёнинг металлогеник очерки", "Чотқол-Курама тоғ-лари магматизми ва металлог-ениясининг асосий хусусият-лари", "Дайка ва рудалар", "Ўрта Осиё магматизми ва ме-таллогенияси", "Ер шарининг руда-петрография провинци-

Ўқув курсида

Ахборот хизмати вакиллари малака оширдилар


Адлия вазирлиги ташаббуси билан вазирлик ва унинг тизими-га кирувчи муассасалар фаолияти, уларда олиб борилаётган ислохотлар билан боғлиқ материаллар сифат ва мазмундорли-гини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалти-риш мақсадида Республика Юристар малакасини ошириш мар-казида салкам 60 нафарга яқин маҳаллий журналистлар ҳамда ҳудудий адлия бошқармаларининг ахборот хизматида масъул-лар учун махсус ўқув курслари ташкил этилди.

Тингловчилар ўқув жараёнида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида "Прокуратура тизими фаолиятини матбуот-да ёритиш амалиёти. Ўзбекистон Республикаси Бош прокура-тураси матбуот хизмати таърибаси" мавзусида амалий маш-ғулот ўтадилар. Машғулот давомида Бош прокуратура Матбу-от хизмати раҳбари С.Ортиқова томонидан тингловчиларга прокуратура тизими фаолиятининг ошқоралиғи, ОАВ вакил-лари билан ҳамкорликни янада яхшилаш борасида амалга оширилган ишлар, оммавий ахборот воситаларида юридик атамалардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари тўғри-сида маълумотлар берилди.

Тингловчилар амалий машғулот давомида Адлия вазирли-гига ҳам ташриф буюришди. Амалиёт давомида вазирлик Ахборот хизмати, ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқар-маси фаолияти, вазирлик муассислигидаги "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетаси ҳамда "Ҳуқуқ ва бурч" журналида ҳуқуқий мавзудаги материалларни ёритиш таърибаси ва усуллари юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашилди. Шунингдек, вазир-ликда марказ томонидан ишлаб чиқилган "Lex.UZ" Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий база-си билан ҳам қийнандан танишдилар.

Машғулотлар давомида таърибчилар журналистлар мастер-класслар ташкил этдилар, тингловчилар томонидан тайёрлан-ган материаллар сифати таҳлил қилинди ва баҳоланди.

Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати



"ҚИШЛОҚҲУЖАЛИККИМЁ" ШАҲРИСАБЗ ТУМАНИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини юртимизда
кезиб юрган Наврўзи олам билан
муборакбод этади.



Барқут кийиб безанди боғлар,
Саҳролар кўксига тақди қизғалдоқ,
Қуёш этагига оқ булут боғлаб,
Ўрик шоҳларида қовурди бодроқ.

